ТЕРИМ МАШИНАЛАРИ УНУМЛИ ИШЛАСИН!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 190 (5539).

27 СЕНТЯБРЬ ШАНБА

1975 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ИККИ БРИГАДА РАПОРТИ

Социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб КПСС XXV съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олиш учун курашаётган бригадалар борган сари кўпаймоқда. Улар ишчи кучларидан ва техникадан самарали фойдаланиб теримни жадаллаштирмоқдалар.

Бекобод районидаги 2-«Далварзин» совхозининг Обиджон Солиев бошлиқ бригадасининг иши ҳам бу ўринда мақтарлидир. Бригада аъзолари 88 гектар ернинг ҳар гектаридан 27 центнердан «оқ олтин» топшириб ғалаба рапорти бердилар. Йиғим-теримни жадаллаштиришда терим машинасининг хизмати катта бўлди. Ўртоқ Худойберди Абдурахмонов бошқарган «зангори кема» кунига 15—20 тонадан пахта териб нормасини ошириб борди.

— Ҳали, — дейди бригада бошлиғи,— даламизда ҳосил мўл. Биз ўз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб яна қўшимча равишда ҳар гектар ердан 13 центнердан хирмон кўтарамиз. Шундай қилиб, шу йилнинг ўзидаёқ гектар бошига олинадиган ҳосилни 40 центнерга етказиш учун курашяпмиз.

Райондаги «Ленинград» совхозининг Рустам Абдурахмонов бошлиқ бригадаси ҳам планни бажариб мажбурият ҳисобига пахта топширяпти. Деҳқонлар ҳар гектар ердан қўшимча 4 центнердан «оқ олтин» топширишга сўз беришди.

К. БЕГМОНОВ,
К. МОВЛОНОВ.

КОМСОМОЛЬСК-АМУР ШАҲРИ ЯҚИНИДА АМУР ДАРЁСИ УСТИДАГИ ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИ ҚУРУВЧИЛАРИ, МОНТАЖЧИЛАРИ, ЛОЙИҲАЧИЛАРИ, ИШЛАТУВЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ҚУРИЛИШНИНГ ҲАММА ҚАТНАШЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Мамлакатимиздаги ноёб транспорт иншоотларидан бири—Байкал-Амур темир йўл магистралининг муҳим таркибий қисми—Амур дарёси устидаги кўприк қурилиши муддатидан илгари тугалланганлиги билан сизларни қизғин табриклайман.

Бу муваффақиятга сизларнинг қаҳрамонона меҳнатингиз, ижодий изланишингиз, қурилишнинг илғор техчикавий ечимлари ва янги методларини жорий қилганлигингиз туфайли эришилди. Бу муваффақиятга кенг қулоч ёздирилган социалистик мусобақа, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасида эришиш мумкин бўлди.

Янги кўприк орқали қатнов бошланганлиги халқ хўжалиги учун муҳим аҳамиятга эга бўлиб, Тинч океан соҳилига яна бир транспорт йўли очилишини таъминлайди. Комсомольск-Амур-Ванино участкасидаги мавжуд темир йўлнинг юк ташиш қобилиятини анча кўпайтириш имконини беради ва партиянинг Узоқ Шарқдаги ишлаб чиқарувчи кучларни жадал ривожлантириш йўли муваффақиятли амалга оширилаётганлигининг яққол исботи бўлади.

КПСС Марказий Комитети сизлар тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йили план топшириқларини ва социалистик мажбуриятларини бажариш учун бундан буён ҳам сабот билан меҳнат қила берасизлар. КПСС XXV съездини меҳнатда янги муваффақиятлар билан кутиб оласизлар, деб қатъий ишонч билдиради.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

ОҚҚЎРҒОН районидаги Навоий номли колхозда Пошалиевлар оиласини пахтачиликнинг жонкуяр кишилари сифатида танишади ва ҳурмат қилишади. Пошали Маҳмудов юқори ҳосилли бригадага бошлиқ. Унинг ўғли Бекзод Пошалиев эса машинада кўп пахта теришда ўз тенгдошлари орасида байроқдор. У бу йил 300 тонна пахта териш мажбуриятини олган. Шу кунларда моҳир механизатор «оқ олтин» даласида жавлон уриб, ўз нормасини бир мунча ошириб адо этмоқда. Суратларда: Б. Пошалиев. Машина теримни кетаётган даланинг умумий кўриниши.

Х. Аввалов фотолари.

ИЛҒОР РАЙОНЛАР ТЕРИМ СУРЪАТИГА СУРЪАТ ҚЎШМОҚДАЛАР. ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ КУНИГА 7 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ, ОҚҚЎРҒОН, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ВА ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНЛАРИНИНГ ПАХТАКОРЛАРИ 5 ПРОЦЕНТДАН ЗИЁД «ОҚ ОЛТИН» ТАЙЁРЛАМОҚДАЛАР. АММО БЕКОБОД, ЧИНОЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШДА ҲАЛИ ҲАМ ЮҚОРИ КЎРСАТКИЧЛАРГА ЭРИШИЛМАЁТИР, БУ РАЙОНЛАРДА ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИНГ ҲАММАСИ ИШГА ТУШИРИЛГАН ЭМАС.

ПАХТАКОР ВА МЕХАНИЗАТОР ЎРТОҚЛАР! ВАҚТ ҒАНИМАТ. ҲАММА ЕРДА ТЕРИМ МАШИНАЛАРИНИ ИШГА ТУШИРАЙЛИК, УЛАРНИНГ ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН ИШЛАШИГА ЭРИШАЙЛИК. КУНИГА 5-6 ПРОЦЕНТДАН ОШИРИБ ПАХТА ТАЙЁРЛАЙЛИК.

ОЛТИ ҚАТОРЛИ ТЕРИМ МАШИНАСИ ҲАМ ДАЛАГА ЧИҚДИ

СОЛДАТСКИЙ. (ЎзТАГ) Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Энвер Алиев «Ўзбекистон ССР беш йиллиги» совхозида ҳайдовчи-механиклар мусобақасига бошчилик қилмоқда. У ҳар куни икки қаторли терадиган машина бункеридан 12 тоннадан пахта тўкмоқда. Коммунист механизатор Абдусаттор Сулаймонов юксак иш унумига эришмоқда. Алиев ва Сулаймонов машинанинг биринчи ўтишидаёқ гектар бошига 29 центнердан ҳосил териб олишмоқда.

Ҳозир хўжалик далаларида 56 та терим машинаси ишлаб турибди. Олти қаторли терадиган машина синовлари давом эттирилмоқда. Уни ҳайдаётган Эрнест Эбасан кунига 20 тонна ва ундан кўп пахта тўкмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети сув таъминотини яхшилаш ва 1976 йилда суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш юзасидан кечиктириб бўлмайдиган тадбирлар тўғрисидаги масалани кўриб чиқди.

1975 йил республика қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги ходимлари учун жиддий синов йили бўлди. Кўпгина областларнинг территорияларида табиий офатлар юз берди ва ғоят сув танқис бўлди. Бу йил сув таъминоти Ўзбекистон ССРда бутун пахтачилик тарихи мобайнида энг мураккаб йил бўлди. Сув хўжалигида вазият яна шунинг учун мураккаблашдики, ўтган йили сув танқис келганлиги оқибатида Қайроққум, Чордарё сингари катта-катта сув омборлари, шунингдек Каттақўрғон, Жанубий Сурхон, Чимқўрғон, Пачкамар ва бошқа сув омборларининг сувидан тўла фойдаланиб бўлинган эди.

Республикада қўшимча сув ресурсларини қидириб топиш, экинлар суғориладиган сувдан тежаб-тергаб ва рационал фойдаланиш, ғўза ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари парваришини кучайтириш юзасидан анчагина тадбирлар амалга оширилди.

КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукумати ана шу ишларни амалга оширишда катта мадад берди лар. КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг 1975 йилда Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистонда суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилашга ва моддий техника ёрдами беришга қаратилган қарорининг амалга оширилиши мисли кўрилмаган сув танқислиги йилидаги қийинчиликларни енгишда ҳал қилувчи роль ўйнади.

Қисқа муддат ичида 870 километр канал бетон билан қопланди, 900 дан зиёдроқ артезиан суғориш қудуқлари қазилди, суви кам бўлган системаларга суви кўп бўлган манбалардан сув олиш учун 17 та йирик насос станцияси қурилди. «Ҳамза-2» ва «Қизилтепа» Аму-Бухоро каналининг иккинчи навбати насос станцияларининг агрегатлари, Қарши магистрал канали тўртинчи ва бешинчи насос станцияларининг шеҳобчалари муддатидан аввал ишга туширилди, бу эса, Зарафшон ва Қашқадарё дарёлари ҳавзаларидаги сув танқислигининг бир мунча олдини олиш имконини берди.

Суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш билан боғлиқ бўлган тадбирларни амалга оширишда кўпгина иттифоқ ташкилотлари ва республика саноат корхоналари ўз вақтида ёрдам бердилар.

Область ва район партия комитетлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ва район Ижроия Комитетлари, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилаш ҳамда мавжуд сув ресурсларидан оқилона ва самарали фойдаланиш соҳасидаги ишларни бажариш учун одам кучлари ва моддий-техника ресурсларини сафарбар қилиш юзасидан катта ишни амалга оширдилар.

Бу тадбирларнинг ҳаммаси деҳқончилик маданиятини ҳамиша тўхтовсиз ошириш, агротехниканы химиялаштиришни ва комплекс механизациялаштиришни тақомиллаштириш, фан ва илғор тажриба эришган муваффақиятларни қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришига жорий этиш билан бирга суғориш манбаларида сув камчиллиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгиш ҳамда тўққизинчи беш йилликнинг якунловчи йилида суғориладиган ерларда қишлоқ хўжалиги экинларидан олинадиган маҳсулотни ва уни давлатга сотиш юзасидан колхозлар ва совхозлар олган юксак социалистик мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлайдиган даражада қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ҳосил етиштириш имконини берди.

Шу билан бирга энг катта сув омборларида сув запасларининг йўқлиги, шунингдек сув оқадиган манбаларда кузги суғориш пайтида сувнинг кам бўлиши кутилаётганлиги ерни ўз вақтида яхоблаш, нам тўплаш ва 1976 йилда қишлоқ хўжалик экинларини суғоришни таъминлаш учун жиддий ташвиш туғдирмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети юз берган шундай шароитларда қўшимча сув ресурсларни қидириб топиш ва шундай сув ресурсларига эга бўлиш юзасидан тадбирларни амалга оширишга сира кечиктирмасдан киришиш зарур, ирригация-мелиорация системаларини, насос станцияларини ва агрегатларини, суғориш қудуқларини тахт қилиб қўйишга ва ремонт қилишга, шунингдек ҳар йил экинларни суғоришда ғоят сув танқислиги сезилиб келаётган айрим районларда суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни тубдан яхшилаш учун зарур бўлган чораларни шошилинч амалга оширишни зарур деб ҳисоблайдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети республика сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги органлари ва область ташкилотларининг 1976 йилда суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни яхшилашга қаратилган тадбирларни амалга оширш юзасидан таклифларини маъқуллади лар. Бу таклифларда қисқа муддат ичида каналларни бетонлаштириш, насос станцияларини, суғориш учун мўлжалланган артезиан қудуқларини қуриш ва қайта қуриш, кичик сойлар ва сув омборларини қуриш ва қайта қуриш юзасидан сира кечиктириб бўлмайдиган ишларнинг катта ҳажмини бажариш кўзда тутилади, бу эса, ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида қишлоқ хўжалиги экинларидан мўл ва гарантияланган ҳосил етиштириш учун мустаҳкам замин яратиш имкониятини беради.

Тадбирларда сув энг танқис районларда сув камчиллиги билан боғлиқ бўлган қийинчиликларни енгиллаштиришга катта эътибор берилган. Масалан: Навоий ва Бобатоғ каналларини насос станциялари билан қуриш, Ховос районида Ҳожимушкент сув омборини, Чуст, Нарпай насос станцияларини, Бахт (иккинчи навбати), Исфпайрам-Шохимардон (иккинчи навбат) насос станцияларини, Қорақалпоғистон АССРда Толдиқ каналини қуриш, Нарпай каналини ва Сандзор дарёсининг ўзанини бетонлаштириш кўзда тутилади.

Республика ана шу мақсадларга катта капитал маблағлар ажратади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг қабул қилган қарорида Ўзбекистон ССР Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлигига, Ўзглавводстройга, Главсредазирсовхозстройга Андижон, Ҳисор сув омборлари қурилишини жадаллаштириш, Оҳангарон сув омбори ҳажмини, Катта Наманган каналини ва Паркент каналларини кенгайтириш юзасидан конкрет тадбирларни қабул қилиш, бу йил Қарши магистрал каналининг насос станцияларида олтита агрегатни фойдаланишга топшириш ва 1976 йилда экин ҳосил суви ичадиган пайтда Толимаржон сув омборида 200 миллион куб метр сув тўплаш юзасидан конкрет тадбирларни кўриш топширилди. Тегишли лойиҳа институтлари Ғовасой, Қоровултепа, Ямбароқ сув омборлари ва бир қанча йирик насос станцияларини лойиҳалашни тугатишлари керак.

«Узсельхозтехника» бирлашмасига, Ўзбекистон ССР Энергетика ва Электрлаштириш министрлигига, «Средазэлектроаппарат» бирлашмасига, «Союзузбекгаз», «Средазнефтегазстрой», «Средазэлектросетьстрой» трестларига, Тошкент кабель заводига ҳамда бошқа қурилиш, лойиҳа, саноат ташкилотларига ана шу қарордан келиб чиқадиган барча вазифаларни бажаришда бевосита иштирок этиш, Ўзбекистон ССР Госплани, Госснабига моддий техника таъминоти масалаларини ҳал этиш топширилди.

Амударёда сувнинг ғоят камчиллигини ҳисобга олиб, яҳоб сувини кузда бериш мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидлаб ўтилди. Қорақалпоғистон ва Хоразм область партия комитетлари, автоном республика Министрлар Совети ва Хоразм область ижроия комитетига 1976 йилнинг 1 январига қадар камида 130 минг гектар шўрхоқ ернинг шўрини ювиш топширилди. Шунингдек барча область партия, совет, сув хўжалиги ва қишлоқ хўжалиги органларининг диққат эътибори ана шу муддатларда асосан яҳоб сувини беришга жалб этилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети билан Ўзбекистон ССР Министрлар Совети партия, совет, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги органлари, республиканинг барча меҳнаткашлари суғориладиган ерларни сув билан таъминлашни белгиланган тадбирларнинг амалга оширилиши учун қўлларидан келган ҳамма ишларни қиладилар, 1976 йилда пахтадан ва бошқа қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ҳосил етиштиришга эришиш учун сув ресурсларидан оқилона ва тежаб-тергаб фойдаланишни таъминлайдилар, деб ишонадилар.

430 000 ТОННА ПАХТА УЧУН

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎГРИСИДА ШУ ИЙЛ 26 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

Биринчи стун—районлар, иккинчи стун — бир кунда топширилган пахта, учинчи стун мавсум бошидан берч, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун мавсум бошидан бери.

Янгийўл	3,41	31,74	1,89	6,48
Қуйи Чирчиқ	7,34	26,53	7,05	24,63
Ўрта Чирчиқ	4,09	25,13	4,79	22,93
Оққўрғон	5,32	20,73	5,58	17,66
Бўка	3,90	20,73	4,04	14,93
Пискент	3,82	20,71	3,94	14,27
Бекобод	2,66	20,45	2,93	12,88
Чиноз	2,85	19,11	2,61	7,07
Юқори Чирчиқ	5,37	14,75	5,87	14,59
Область бўйича	4,24	22,37	4,48	16,35

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ДОН ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎГРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

[процент ҳисобида]

биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

ОРЖОНИКИДЗЕ	—	102,1
КАЛИНИН	—	100,1
Чиноз	0,2	91,9
Бўстонлиқ	—	89,7
Янгийўл	—	63,9
Оҳангарон	—	56,9
Бўка	—	56,0
Оққўрғон	—	54,3
Юқори Чирчиқ	—	54,3
Пискент	1,1	48,3
Қуйи Чирчиқ	—	35,4
Бекобод	1,1	32,7
Ўрта Чирчиқ	1,0	23,7
Область бўйича	0,4	54,6

ОБЛАСТЬ РАЙОНЛАРИДА ШОЛИ ЎРИШНИНГ БОРИШИ ТЎГРИСИДА ШУ ЙИЛ 26 СЕНТЯБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

[Экин майдонига нисбатан процент ҳисобида].

Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунлик ўсиш, учинчи стун — мавсум бошидан бери.

Бўка	6,4	34,8
Пискент	4,5	30,9
Янгийўл	6,3	27,6
Ўрта Чирчиқ	2,6	14,2
Оққўрғон	2,5	14,0
Бекобод	2,3	12,8
Юқори Чирчиқ	2,5	11,2
Қуйи Чирчиқ	2,4	9,0
Область бўйича	2,9	14,7

ОЛТИНГА КОН АДРЛАР

Чотқол этагидаги адирларда пахта йиғим-терими тобора қизитилмоқда. Омилкор деҳқонлар бу йилги сув танқислигини меҳнат ва матонат билан енгиб, далаларда мўл ҳосил етиштирдилар. Адирларни «оқ олтин» конига айлантираётган Пискент районидаги Калинин номли колхоз пахтакорлари бу йил ҳар гектар ер ҳосилдорлигини камида 5 центнерга оширишга аҳд қилишган.

Яқинда колхоз раиси Абдусалом АБДУҲОЛИҚОВ мухбиримизга пахтакорларнинг шу кеча-кундузда олиб бораётган ишлари ҳақида сўзлаб берди.

Колхознинг меҳнаткашлари беш йилликда зарбдорчасига меҳнат қилдилар. Беш йиллик давлат планларини тўрт йилда муддатидан илгари уддалаб, Ватанга пландан ташқари кўплаб пахта, дон, сут, гўшт, сабзавот ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб берилди.

Тўрт йил мобайнида 13500 тонна ўрнига 15758 тонна пахта сотилди. Шунингдек, чорва, сабзавот, дон топшириш планлари ҳам белгилангандан анча ошириб бажарилди. Кўпгина бригадаларда пахта ҳосилдорлигини кўтариш, дала ишларини комплекс механизациялаш соҳасида катта ишлар қилинди. Ҳосилдорлик 20 центнердан 35—40 центнерга етказилди.

Пахта ҳосилдорлигини оширишнинг асосий омилларидан бири маҳаллий ўғитлардан кўпроқ фойдаланишдир. Бу йилги шароитда ҳам бу яхши натижа берди. Ҳаво тез қизиб, ердаги намни кўтариб юборди, ана шу пайтда қатор ораларига минерал ўғит билан бирга маҳаллий ўғит берилди. Маҳаллий ўғит намни узоқ сақлади. Бизнинг шароитда сув танқислиги айниқса сезилди. Ана шу қийинчиликларга қарамай, ғўзалар вақтида озиқлантириб, суғориб турилди. Натижада мўлжалдаги ҳосилни тўплашга эришдик.

Пахтакорларимиз олдида турган асосий вазифа йиғим-терим ишларини қисқа муддатларда тез ва сифатли ўтказишдир. Мавсумни муваффақиятли якунлаш учун зарур тадбирлар белгиланди. Мавжуд 20 та «Ўзбекистон» машинаси далага чиқарилди. Д. Икромов, А. Рахимов, Т. Жўраев, Ю. Мустафоев, Ю. Аҳмедов, К. Икромов каби моҳир механизаторлар 160—170 тоннадан пахта теришга аҳд қилдилар.

Шу кунларда Тўлаган Жўраев, Қўшбой Бўронов бошлиқ бригада теримчилари ишда пешқадам бўлмоқдалар. Колхознинг Зебинисо Муллаёрова, Жамила Омонова, Гулбиби Ғофурова, Ҳанима Пўлатова каби кўпмингкилограммчи теримчилари этакларидан 170—200 килограммдан пахта тўкмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 8—10 тоннадан пахта теришга сўз беришган.

Йиғим-теримни уюшқоқлик билан ўтказиш учун механизатор ва колхозчиларга зарур шароит яратиб бериш соҳасида ҳам анча иш қилинди. Дала-мий ва мавсумий дала шийпонлари шинам қилиб безатилди. Шийпонларда сотувчисиз магазинлар, кутубхоналар ташкил этилди. Дам олиш пайтларида агитбригадалар концерт ва суҳбатлар ўтказади. Доимий жанговар варақа ва деворий газеталар чиқариб турилади.

Бу йил терим машиналарини группа усулида икки сменада ишлатяпмиз. Икки-уч группага битта техник хизмат кўрсатиш машинаси ажратилган. Механизаторларни рағбатлантириш учун вимпел ва пул мукофотлари таъсис этилган. Ҳар беш кунда агрегатлар ўртасида, ҳар ўн кунда бригада ва участкалар ўртасида ўзаро социалистик мусобақа якунлари кўриб чиқилиб, илғорлар тақдирланади. Йиғим-теримда энг юқори кўрсаткичга эришган механизаторлар енгил автомашина билан мукофотланадилар.

Беш йилликнинг якунловчи йилида барча план ва топшириқларни ошириб бажариб, давлатга кўп ва сифатли «оқ олтин» етказиб бериш учун астойдил ҳаракат қилмоқдамиз.

ЭРТАГА—МАШИНАСОЗЛАР КУНИ



ТОШКЕНТ тўқимачилик машинасозлиги заводида қизғин авж олдирилган социалистик мусобақанинг энг асосий шартларидан бири маҳсулот сифатини яхшилашдан иборатдир. Сифат учун курашда юқори босимда ишлаш цехи коллективи яхши натижаларга эришмоқда. Суратда: цехнинг катта мастери Тоҳир Абдужабборов (ўртада) қуювчилар Эргаш Икромов (ўнгда) ва Неъмат Тожибоевлар билан янги тайёрланган деталнинг сифатини кўздан кечирмоқда.

И. Шонноғомов фотоси.

ЮКСАЛИШ ЙЎЛИДАН

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводида ишлаб чиқарилган йигирув ва пиликлаш машиналари қатор халқаро кўргазмаларда жаҳон тўқимачилик саноати мутахассислари томонидан юқори баҳоланиб олтин ва кумуш медаллар билан тақдирланган. Мамлакатимиз тўқимачилик машинасозлиги саноатида биринчилар қатори корхонанинг уч маркадаги йигирув ва пиликлаш машиналарига давлат Сифат белгиси берилди.

Жаҳон миқёсида энг серунум, қулай ва мукаммал деб тан олинган бу машиналарга талаб йилдан йилга ўсиб бормоқда. Бельгия, Чехословакия, Канада, Куба, Греция, Англия, Япония каби 30 дан зиёд мамлакатлар корхонанинг доимий буюртмачиларидир.

КПСС XXIV съезди қарорларида белгилаб берилганидек, маҳсулот сифатини яхшилашнинг асосий омилларидан бири бўлган ихтисослаштириш масалаларига корхонада янада эътибор берила бошланди. Ҳамма куч ишлаб чиқариш жараёнини такомиллаштириш, кўп меҳнат талаб қиладиган ишларни автоматлаштириш ва механизациялашга қаратилди. Бунинг учун, аввало, ишлаб чиқаришнинг муҳим участкаларидаги меҳнат жараёнлари чуқур ўрганилди, тўпланган маълумотлар техника советининг йиғилишида муҳокама қилинди. Шунда ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишга ва маҳсулот сифатини яхшилашга тўсқинлик қилаётган асосий нуқсонлар яққол кўзга ташланди. Ихтисослаштиришни тез суръатларда амалга ошириш мақсадида инженер-техник ходимлардан иборат махсус рационализатор ва ихтирочилар группалари тузилиб, улар ўртасида социалистик мусобақа йўлга қўйилди. Турли мутахассислардан иборат группалар ўз оталиқларига олган участкаларда ишлаб чиқаришни намунали ташкил этиш, техника тараққиётини жадаллаштириш, ишчилар малакасини ошириш каби муҳим ишларни авж олдирдилар. Группаларда орттирилган тажрибалар корхона бош инженери Х. Ахсанжев бошлиқ техника совети томонидан умумлаштириб борилди.

Маҳсулот сифатини яхшилашда бош омиллардан бири бўлган техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича ҳаракатнинг системали ташкил этилиши тез орада катта натижаларга йўл очиб берди. Яқиняқинларгача ҳам ишлаб чиқаришнинг асосий участкаларидан ҳисобланган 2-механика цехида ойлик планлар қийинлик билан бажарилар, маҳсулот сифати ҳам кўнгилдагидек эмасди. Корхона техника контроли бўлимининг бошлиғи Г. Герасимов раҳбарлигидаги ижодий группа аъзолари цехда ишлаб чиқариш жараёнини ярим поток усулида ташкил этишга киришдилар. Илгари машиналарнинг муҳим деталларига ишлов беришда фрезерчилар қўлидан чиққан узеллар цехнинг иккинчи томонидаги парловчиларга, у ердан қайта силлиқловчилар меҳнат қилаётган участкага келтиришарди. Деталларнинг ана шундай бир жойдан иккинчи жойга «кўчиб юриши» ишлаб чиқаришни узлуксиз йўлга қўйиш имконини бермасди. Мутахассисларнинг тавсияси билан цехда анчагина реконструкция ишлари амалга оширилди. Пармалаш, токарлик ва фрезерлик дастгоҳлари ёнма-ён ўрнатилди ва бўш қолган майдонда кичик деталларга ишлов берувчи ихтисослашган участка ташкил этилди.

Тез орада 2-механика цехи ишчи кучини оширмаган ҳолда ишлаб чиқариш самарадорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш бўйича корхонада етакчи ўринлардан бирини эгаллади. Техника совети илғор иш усулларини бутун коллективга изчиллик билан жорий қилишга киришди.

Қуюв цехи корхонанинг юраги ҳисобланади. Барча участкалар керакли деталлар билан ўз вақтида таъминлансагина, ишлаб чиқаришни бир меёрда ташкил этиш мумкин. Шунинг учун ҳам қуюв цехида технологияни такомиллаштириш ижодий группаларнинг диққат марказида бўлди. Механика цехида пиликлаш машиналарининг кўзғалувчан муфталари қуймаснинг сифатсизлигидан мунтазам шикоят қилиб келинарди. Чиндан ҳам муфталарга ишлов бериш мураккаб технологик жараённи талаб қиларди. Давлат стандартидан атиги 0,1 миллиметр чекиниш ҳам деталларнинг брак бўлишига олиб келарди.

Деталларга ишлов бериш технологиясини такомиллаштириш бўйича механика цехида олиб борилган изланишлар билан қуюв цехи мутахассисларининг таклифлари умумлаштирилиб, бирмунча самарали усул ишлаб чиқилди. Қуюв цехига ўрнатилган юқори босим остида қуйиш дастгоҳларига қисман ўзгартишлар киритилиб, кўзғалувчан муфталар тайёрлашга мослаштирилди. Ихтисослаштириш самараси туфайли машаққатли меҳнатга чек қўйилиб, битта детални тайёрлаш муддати 1,5—2 соатга тезлаштирилди. Бунинг устига муфталарни чўян ўрнига алюминийдан тайёрлашнинг ўзлаштирилиши йилига 220 тоннадан зиёд металлни тежаб қолиш имконини яратди. Алюминий деталлар ҳеч қандай қўшимча ишлов берилмасдан тўппа-тўғри машиналарга ўрнатилмоқда. Бу усул коллективга бир йилда 100 минг сўмдан зиёд иқтисодий самара келтиради.

Кейинги йиллар ичида корхонада йиғирув ва пиликлаш машиналарини йиғиш ва созлаш ишларида ҳам илғор усуллар жорий этилди. Ҳар бир участкага сифатни бошқарувчи назоратчи инспекторларнинг бириктирилиши маҳсулотни юқори сифатли бўлишида қўл келаётир. Беш йилликнинг ўтган даври мобайнида корхона маҳсулотига бирор марта ҳам эътироз билдирилмади.

Корхонада сифат учун курашни системали ташкил этилиши натижасида ПК-100М, ПК-100М1, ПК-100ШЛ йигирув ва пиликлаш машиналари давлат Сифат белгиси билан тақдирланди. Ҳозир яна бир машина ана шу юқори категория учун ҳозирланмоқда. Корхонада 135 нишон ўзининг шахсий клеймасига эга. 92,6 процент маҳсулот эса биринчи тақдимдаёқ юқори сортларга топширилмоқда.

Кейинги йиллар ичида коллективда 500 дан зиёд кишининг малакаси оширилди. Натижада корхонада меҳнат унумдорлигини ўстириш ва маҳсулот сифатини яхшилаш кўрсаткичи йилдан-йилга юқори бўлаётир. Коллективда аъло сифатли маҳсулот бериш билан вақтдан ўзиб ишловчилар сони мингдан зиёд кишини ташкил этади.

Бундай техник-иқтисодий ўсишлар корхона коллективининг беш йилга мўлжалланган тараққиёт программасини муваффақиятли амалга ошаётганлигини кўрсатиб турибди. Завод рационализаторлари ва ихтирочилари беш йилликнинг ўтган даври мобайнида 1,5 миллион сўмликдан зиёд иқтисодий самара берадиган 400 дан зиёд таклифни ишлаб чиқаришга жорий этдилар.

Тўққизинчи беш йилликнинг ўтган тўрт ярим йили мобайнида корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 15 процент ўсди. 1971 йилда 1436 та машина ишлаб чиқарилган бўлса, якунловчи йилда бу кўрсаткич 2300 тани ташкил қилади.

Машинасозлар якунловчи йилнинг саккиз ойлик планини муддатидан илгари адо этиб, топшириққа қўшимча 16 та йигирув ва пиликлаш машиналари тайёрладилар. Буларнинг ярмидан кўпини Сифат белгиси билан ишлаб чиқарилган машиналар ташкил этади. Бу республика саноат корхоналари ўртасида энг юқори кўрсаткичдир. Бундай ютуқлар корхона коллективининг техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича КПСС XXIV съездида белгилаб берилган режаларини изчиллик билан амалга ошираётганлигини кўрсатиб турибди.

Заводда шу кунларда коллективнинг ўнинчи беш йилликка мўлжалланган тараққиёт программаси ишлаб чиқилмоқда. Программада келгуси беш йилликда корхонада сифатни бошқариш системасини жорий этиш масалалари кўзда тутилган. Бу эса шу кунниг муҳим вазифаси бўлган сифат кўрсаткичини янада яхшилаш имконини беради.

К. НИШОНОВ.

ПАРТИЯ АХБОРОТИ

СЕКРЕТАРЛАР ҲИСОБ БЕРИШДИ

Область партия комитетида район ва шаҳар партия комитетларининг иккинчи секретарлари ва ташкилий бўлим мудирларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда область партия комитети ташкилий-партиявий ишлар бўлими мудирининг ўринбосари М. И. Кунов группа ва цех партия ташкилотида ҳисобот ва сайловлар, шаҳар ва район комсомол комитетларида комсомол ҳужжатларининг алмаштиришни бориши ҳақида ахборот берди.

Йиғилишда шаҳар ва район партия комитетлари иккинчи секретарларининг шу хусусдаги докладлари тингланди.

Йиғилишда область партия комитетининг иккинчи секретари В. В. Окунский иштирок этди ва нутқ сўзлади.

ТАНҚИД ВА ЎЗ-ЎЗИНИ ТАНҚИД...

Юқори Чирчиқ район партия комитетининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда КПСС Марказий Комитетининг «Тамбов область партия ташкилотида танқид ва ўз-ўзини танқиднинг аҳволи тўғрисида»ги қарорининг район партия ташкилотларида бажарилиши тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.

Докладчи — район партия комитетининг иккинчи секретари В. Бабанец, доклад юзасидан музокарага чиққан «Правда» колхозининг бригада бошлиғи Кан Анатолий, «Ўзбекистон» колхози партия комитетининг секретари С. Турсунов, «Ўзсельхозтехника» район бирлашмасининг бошқарувчиси И. Каримов, Юқори Чирчиқ луб заводининг директори В. Гусев, Калининн номли колхоз правлениесининг раиси С. Назаров ва бошқа ўртоқлар кадрларни тарбиялашда танқид ва ўз-ўзини танқид методидан тўлароқ фойдаланиш, баъзи раҳбарларнинг топшириқлар бажарилмай қолишини ва ташкилотчилик ҳамда тарбиявий фаолиятидаги ўз нуқсонларини объектив сабаблар билан ниқоблаш йўлидаги интилишларига қарши қатъий кураш олиб бориш, қўйидан бўладиган танқиднинг таъсирчанлигини ошириш, ана шу мақсадда контролликни янада кучайтириш тўғрисида гапирдилар.

Пленумда муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

МАШҒУЛОТЛАР МУНТАЗАМ ЎТКАЗИЛМОҚДА

Янгийўл шаҳар партия комитети ҳузурида ташкил этилган ёш коммунистлар мактабида машғулотлар мунтазам ўтказилмоқда.

Яқинда бўлиб ўтган машғулотда шаҳар партия комитети пропаганда ва агитация бўлимининг мудири Е. Фирсова «Партия ташкилоти ва идеология, таълим-тарбия, фан ва маданият соҳасидаги вазифалар», шаҳар партия комитети ташкилий бўлимининг мудири Сальмин «Партия аъзолари, уларнинг ҳуқуқ ва бурчлари тўғрисида» лекция ўқидилар.

МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ХV ЧАҚИРИҚ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИ II СЕССИЯСИНИНГ ҚАРОРИ

ДЕҲҚОНЧИЛИК ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛОТЛАРИНИ ЕТИШТИРИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН СОЦИАЛИСТИК МАЖБУРИЯТЛАР БАЖАРИЛИШИНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети таъкидлайдики, ишчилар, колхозчилар, қишлоқ хўжалик мутахассислари ва областнинг барча меҳнаткашлари КПСС XXIV съезди қарорларини ҳаётга татбиқ этиш учун қатъий кураш олиб бориб, халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида ва меҳнаткашларнинг фаровонлигини юксалтиришда муҳим муваффақиятларни қўлга киритдилар.

КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарори область меҳнаткашларини янги меҳнат активлигига руҳлантириб юборди. Областнинг юзлаб ишлаб чиқариш коллективлари партия съездларини кутиб олишнинг шонли анъаналарини давом эттириб ва ривожлантириб зиммаларига оширилган мажбуриятлар қабул қилдилар. Бу мажбуриятларда ишлаб чиқариш резервларидан тағин ҳам тўлароқ фойдаланиш, маҳсулот сифатини яхшилаш, меҳнат унумдорлигини янада ошириш кўзда тутилади.

Область саноатчилари маҳсулот ишлаб чиқаришнинг умумий ҳажми бўйича беш йиллик планни муддатидан олдин бажардилар. Маҳсулот етиштиришнинг ўсиши беш йиллик пландаги 48,4 процент ўрнига 54 процентни ташкил қилди, меҳнат унумдорлиги бўйича планда кўзда тутилган 30,7 процент ўрнига 33,1 процент ўсишга эришилди.

Саноат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ҳажми бўйича халқ хўжалик планида кўзда тутилган миқдорга эришилди, саккиз ойлик топшириқлар муваффақиятли бажарилди. Пландан ташқари қарийб 54 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди.

Қурилиш ташкилотлари, автомобиль транспорти, маиший хизмат кўрсатиш ва халқ хўжалигининг бошқа соҳаларидаги ишчи-хизматчилар бир мунча муваффақиятларни қўлга киритдилар.

Қишлоқ меҳнаткашлари қишлоқ хўжалик ва чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва тайёрлашни янада кўпайтириш учун қатъий кураш олиб бормоқдалар. Давлатга дон, картошка, сабзавот, мева, гўшт, сут, тухум ва жун сотиш бўйича беш йиллик халқ хўжалик плани муддатидан илгари адо этилди.

Давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг муҳим турларини сотиш бўйича 1975 йилнинг саккиз ойи топшириғи муваффақиятли бажарилди. Ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан давлатга 10,4 минг тонна сабзавот, 16,2 минг тонна мева, 9,3 минг тонна полиз маҳсулотлари, 2,8 минг тонна гўшт, 5,4 минг тонна сут, 10,9 миллион дона тухум, 6,83 центнер жун ортиқча сотилди.

Далаларда пахта, каноп, шолидан мўл ҳосил пишиб етилди. Колхоз ва совхозлар каноп, пахта, шоли ва бошқа маҳсулотларни йиғиб-териб олишни ҳамма жойларда қизғин бошлаб юбордилар.

Эришилган муваффақиятлар қишлоқ хўжалигининг барча соҳаларини ҳар томонлама ривожлантириш, партия ва ҳукуматимизнинг доимий ғамхўрлиги, партия, совет, қишлоқ хўжалик органларининг катта ташкилотчилик иши, беш йилликнинг якунловчи йили топшириқларини ва юксак социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга қишлоқ меҳнаткашларини сафарбар қилиш бўйича колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари ҳамда мутахассисларининг ғайратлари натижаси бўлди.

Шу билан бирга меҳнаткашлар депутатлари область Советининг сессияси таъкидлайдики, халқ хўжалик планлари ва социалистик мажбуриятларнинг бажарилишида ҳали камчиликлар ва фойдаланилмаётган резервлар мавжуд.

Областимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотларининг ҳосилдорлиги паст бўлган колхоз-совхозлар оз эмас. Улар пахта, дон, сабзавот, мева ва узумлар янга ҳам ҳосил олмоқда.

Буларнинг ҳаммаси агротехника даражасининг пастлиги, алмашлаб экиш йўлга қўйилмаганлиги, минерал ва маҳаллий ўғитлардан, сув ресурсларидан рационал фойдаланилмаётганлиги, ишлаб чиқариш жараёнларининг суст механизациялаштирилаётганлиги сабабли рўй бермоқда.

Шундай камчиликлар боғдорчилик ва узумчиликда ҳам содир бўлмоқда. Қатор ораларига ўз вақтида ва сифатли ишлов берилмаётир, суғориш қондирилмай ёки кўлланиб олиб борилмоқда, кўчатлар парвариши ёмон аҳволда.

Бир қатор хўжаликларда чорвачилик қонқарсиз ривожлантирилаётир. Молларнинг маҳсулдорлиги паст даражада қолмоқда. Озуқа базасини мустаҳкамлаш, молхоналар ремонтини ташкил этиш юзасидан етарли тадбирий чоралар кўрилмаётир. Тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати ҳам унча кўнгилдагидек эмас. Масалан, область колхоз ва совхозлари тайёрланаётган сутнинг сифати пастлигидан 1975 йилнинг биринчи ярмида 430 минг сўм йўқотдилар.

Меҳнаткашлар депутатлари область Совети қарор қилади:

1. КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун, деҳқончилик ва чорвачилик маҳсулотларини етиштириш ҳамда давлатга сотиш юзасидан 1975 йил мажбуриятлари ва беш йиллик планни тўла бажариш юзасидан съездолди социалистик мусобақасини кенг йўлга қўйиш учун меҳнаткашларнинг меҳнат активлигини янада ошириш меҳнаткашлар депутатлари район ва шаҳар, қишлоқ ва посёлка Советларининг, область ижроия комитети, унинг бўлимлари ва бошқармаларининг, колхоз ва давлат хўжаликларининг муҳим вазифаси ҳисоблансин.

Бунинг учун:

— ҳар бир колхоз ва совхоз давлатга пахта хом ашёси сотиш бўйича халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун ишчи ҳамда техник ресурсларни сафарбар этиб, йиғим-терим ишларини қисқа муддатларда ўтказиши керак, машина теримининг сифатига ва нобудгарчилигининг олдини олишга алоҳида эътибор берилсин;

— аҳолидан ортиқча қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олишни ташкил қилиб, шоли, сабзавот, полиз маҳсулотлари, узум ва картошкани йиғиб-териб олиш ва давлатга топшириш суръати оширилсин;

— чорвачиликда мол ва паррандалар барча турларининг сонини кўпайтириш ва маҳсулдорлигини орттириш таъминланиш. Қисқа муддатларда озуқа цехларидан янада самарали фойдаланиб, шу йўл билан озуқа тайёрлаш ишлари тугаллансин;

— қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида касаба союз ва комсомол ташкилотлари билан биргаликда социалистик мусобақа тағин ҳам кенг қулоч ёйдирилсин. Ҳар бир қишлоқ меҳнаткашида халқ хўжалик плани ва социалистик мажбуриятларни бажариш учун юксак масъулият ҳисси тарбиялансин. Ишлаб чиқариш илғорларининг ватанпарварлик починлари қўллаб-қувватлансин ва кенг оммалаштирилсин. Моддий ва маънавий рағбатлантиришнинг шаклларидан тўлароқ фойдаланилсин;

— зиммага олинган социалистик мажбуриятларни коллективлар, колхозчилар ва совхоз ишчилари мусобақасини кенг йўлга қўйиш учун лозим бўлган шароитлар яратиб берилсин. Ҳар бир дала шийпонида, фермаларда, автогараж ва ремонт устахоналарида етарли даражада маданий-маиший шароит яратилишига эришилсин.

2. Область ва район қишлоқ хўжалик ҳамда сув хўжалиги ташкилотларидан, колхоз ва давлат хўжаликларининг раҳбарларидан кузги-қишки ишларни ўтказиш юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқиб, бу тадбирларни энг яхши агротехник муддатларда юқори сифат билан амалга оширилишини таъминлаш ва шу билан бирга қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етиштириш ва тайёрлаш бўйича 1976 йил топшириқларининг муваффақиятли бажарилиши учун мустаҳкам замин яратиш талаб қилинсин.

3. Область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасига (бошлиги А. Исоқов), картошка, сабзавот ва полиз маҳсулотлари илмий текшириш институтининг дирекциясига (директори Ю. Каримов) сабзавот, полиз маҳсулотлари ва картошка етиштиришдаги агротехника ютуқларини ўрганиш ва жорий қилиш мақсадида Оҳангарон ва Бўстонлик районларида таянч пунктлари ташкил этиш вазифаси топширилсин.

Область Советининг сессияси шунга қатъий ишонч билдирадики, қишлоқ хўжалик ва тайёрлов органлари, колхозлар, совхозлар, давлат хўжаликлари, пойтахт областининг меҳнаткашлари халқ хўжалик планлари ва 1975 йил социалистик мажбуриятларини бажариш, КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун ўзларининг бутун кучларини ишга соладилар.

Область ижроия комитетининг Раиси
П. ЮСУПОВ.

Область ижроия комитетининг Секретари
А. НАЗАРОВ.

ЯНГИЛИК САМАРАСИ

Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 50 йиллиги номли тиқув фирмаси товар реализация қилиш қўшимча планини бажарди. Чеварлар планга қўшимча 750 минг сўмлик сифатли кийимларни харидорларга тортиқ қилдилар. Улар XXV съезд шарафига яна оширилган мажбурият олиб, планга қўшимча 250 минг сўмлик маҳсулот реализация қилишга аҳд қилишди.

— Бундай ютуқларни қўлга киритишда бичиқ цехини реконструкция қилиб, унумли янги машиналарни ўргатганимиз, цехларни бир меёрда ярим фабрикатлар билан тўлиқ таъминлаш имконига эга бўлганимиз жуда қўл келди,— дейди цех бошлиғи Раҳим Шомуродов.

ҚАРС ИККИ ҚУЛДАН

«Малика» номли трикотаж фирмаси ишлаб чиқараётган маҳсулот довруғи бугунги кунда Иттифоқимизга маълум.

Шу йилнинг биринчи ярим йилида катта зафар қучиб, чеварлар енгил саноат корхоналари ўртасидаги мусобақада голиб чиқишди ҳамда Тошкент шаҳар партия ва ижроия комитети, Тошкент область касаба союз ташкилотларининг кўчма Қизил байроғини қўлга киритдилар.

Ўтган ойларда фирма ишчи-хизматчиларидан 56 киши Иттифоқимиздаги турли санаторийларда, юздан ортиқ киши турли дам олиш уйларида бўлиб, ҳордиқ чиқарди.

С. САЪДУЛЛАЕВ.

Моҳира Олимова Собир Раҳимов районидаги 196-ўрта мактабнинг моҳир педагогларидан бири. У 25 йилдирки ёшларга билим бериш ишлари билан шуғулланиб келади. Шу кунларда моҳир ўқитувчи мактаб партасига биринчи маротаба ўтирган ўқувчиларга Алифбедан сабоқ бермоқда.

Суратларда: М. Олимова дарсда.

Н. Тўраев фотоси.

ЖОНКУЯР МУРАББИЯ

«МЕН педагоглик қилиб ўлсаму, кейин яна тирилиб қолсам, ҳеч бир иккиланмай яна ўқитувчилик касбини эгаллардим...»

Машҳур педагог Макаренко бу ибора билан ўқитувчилик шарафли касб экандигини ифодалаган. Ҳа, ўқитувчилик завқли ва айни бир вақтда ўта сермеҳнат касб. Шоҳида опа Расулова ҳам ана шу шарафли касбга ихлос қўйганлардан.

— Мен республикамизнинг қайси бир чеккасига бормай,— дейди у,— бирор касб эгаллаб, эл-юрт бойлигига бойлик қўшаётган талабаларимни кўраман, улар билан ғурурланаман. Шунда ўқитувчилик касбига бўлган муҳаббатим яна ҳам ортади.

Ҳақ гап, киши ўз меҳнати самараларини кўриб олам-олам қувончга, фахрга тўлади.

Шоҳида опа пойтахтдаги 12-мактабга ишга келганига 19 йил бўлди. Миллаб ўқувчиларга она тили ва адабиётидан сабоқ берди,ёшларни саводга ўргатди, тилларини бурро этди. Муаллима дастлаб бошланғич синфларда, кейинчалик юқори синфларда дарс берди. Ишчан ва жамоатчи қиз партия сафига қабул қилинди. Кейинчалик бу тажрибали педагог ташкилий-тарбиявий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига кўтарилди.

Ш. Расулованинг жамоатчилик фаолияти таҳсинга сазовор. Унинг раҳбарлигида мактаб ўқувчилари республика адабиёт олимпиадасида, шаҳар тарих олимпиадасида биринчи ўринни, «Зарница» ўйинларида районда иккинчи ўринни эгаллашди. Айниқса, ёшларни касб танлашларида Шоҳида опа жонбозлик кўрсатиб ишлаяпти. Ҳар йили 25—30 нафар ўқувчини завод ва фабрикаларга ишга жойлашда мактаб районда биринчилар қаторида келмоқда. Ҳунар-техника билим юртларига ҳам кўплаб ўқувчилар кириб ўқияпти.

Район халқ маорифчилари моҳир педагог, қобилиятли ташкилотчи, жонкуяр жамоатчи Ш. Расуловани Тошкент шаҳар Советига депутат қилиб сайлашди. Ҳозир у директорлик қилаётган мактабда ўзлаштириш 99 процентга кўтарилди.

Шу кунларда мактабда жонажон партиямизнинг XXV съезди шарафига ўқув-тарбия ишлари сифатини янада яхшилашга қаратилган тадбирлар амалга оширилмоқда. Съезд шарафига зарбдор 25 кун эълон қилинди. Оталиқ ташкилотларига ёрдам бериш, 25 тонна макулатура тўплаш, 100 процент газета-журналларга обуна бўлиш учун ҳаракат қилинмоқда.

Маориф аълочиси Шоҳида Расулова икки медаль, қатор Фахрий ёрлиқлар билан тақдирланган.

С. СУЛТОНОВ.

ИЛҒОР БРИГАДА

Тошкент тўқимачилик машинасозлиги заводи коллективи КПСС Марказий Комитетининг «КПСС XXV съездини муносиб кутиб олиш учун социалистик мусобақа ўтказиш тўғрисида»ги қарорига амалий жавоб бериш мақсадида йил бошида қабул қилинган социалистик мажбурият шартларига ўзгартиришлар киритди. Коллектив ўз имкониятини ҳисобга олиб йил охиригача аввалги мажбуриятдагидан 700 минг сўмлик кўп маҳсулот ишлаб чиқаришга сўз берди.

Корхонанинг юраги ҳисобланган қуйиш цехи коллективи шу мақсадда мунтазам юқори кўрсаткичларга эришиб, мусобақада пешқадамлик қилаётир.

Цехдаги мавжуд бригадалар ўзаро социалистик мусобақа шартномаси асосида меҳнат қилишяпти. Завод ветерани, катта тажриба эгаси ва ёшларнинг севимли устози сифатида танилган А. Соловьев раҳбарлик қилаётган бригада аҳли иш вақтидан тўла фойдаланиш, мавжуд резерв ва имкониятларни ишлаб чиқаришга тўла сафарбар этишга эришиб, мусобақа жараёнида юксак кўрсаткичларни қўлга киритаётир.

Бунда корхонанинг ветеран ишчиларидан бири Петр Маливскийнинг ҳиссаси катта бўлаётир. Унинг мураббийлигида касб сирларини пухта эгаллаб олган ўнлаб шогирдлари устоздан қолишмай, смена давомида 120—130 тадан детални биринчи кўрсатишдаёқ техника назорати бўлимига топширмоқдалар.

Е. МОРДУХАЕВ.

ДЕПУТАТЛАРНИНГ ДОЛЗАРБ КУНЛАРИ

«74,5 минг тонна пахта етиштирамиз ва давлатга сотамиз. Ҳар гектар ердан 34,4 центнердан ҳосил йиғиштириб оламиз». Ўрта Чирчиқ район пахтакорларининг 1975 йил учун қабул қилган соцмажбуриятларидаги шу икки жумлада район пахтакорларининг азму қарори ўзининг ифодасини топган.

Меҳнаткашлар депутатлари Советларига сайланган халқ вакилларн бу масъулиятли вазифани бажаришга қандай ҳисса қўшмоқда! Махсус мухбиримиз А. АБДУБАННОПОВ яқинда район ижроия комитетида бўлиб, ижроком раиси Асил Шосандович ШОСОЛИХОВ билан ана шу мавзуда суҳбатлашди.

Ҳа, районимиз пахта далаларида бу йил ҳар қачонгидан мўл ҳосил тўпланди. Пахта пунктларига хўжаликлардан тинимсиз оқиб келаётган «оқ олтин» карвонларининг сони кундан кун кўпаймоқда.

Шу қишлоқ Советидаги Ленин номли колхозга район Совети депутати М. Каримов раислик қилади. Колхозда пахта ҳосилдорлигининг йилдан-йилга ошишида «Северний маяк» колхози меҳнаткашларининг бу йилги аҳдуқарорлари юксак. Улар давлатга 5600 тонна пахта сотиб, шунинг 4300 тоннасини механизмлар кучи билан йиғиштириб олишлари керак. Колхозда кузги йиғим-теримга эрта баҳордан тайёргарлик кўрилган. Ленин номли қишлоқ Совети депутатларининг актив иштироки билан карталар кенгайтирилди, 20 гектар ер капитал планировка қилинди, 70 гектар янги экин майдонининг мелиоратив ҳолати яхшиланди. Район Совети депутатларидан агроном И. Ким, механизаторлар Б. Ким, Е. Анорбоев, Е. Ин ва бошқалар чигит экилишидан тортиб то ҳосил пишиб етилгунча ўзларининг бутун куч-ғайратларини далага сарфладилар.

Район Совети депутатлари областъ, район ва қишлоқ Советлари депутатларининг алоҳида ҳиссалари бор. Совет сессияларида, ижроком мажлисларида қишлоқ хўжалик масалалари тезтез муҳокама қилинади. Сентябрнинг бошида пахта йиғим-теримига тайёргарлик муҳокама қилинган сессия ҳам жуда қизғин ўтди. Сессияда қишлоқ Совети идорасидаги хўжаликларнинг раҳбарлари, етакчи мутахассислари ва депутатлар терим мавсумига қандай ҳозирлик кўрилаётгани, мавсум давомида қилинажак ишлар ҳақида муфассал гапирдилар. Қишлоқ Совети хўжаликларда биргаликда амалга ошириладиган конкрет тадбирлар ишлаб чиқди.

Оққўрғон районидаги Ильич номли қишлоқ Советининг 1975 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишга тайёргарлик кўриш ва мавсумни уюшқоқлик билан ўтказиш юзасидан белгилаган, область партия комитети ва область ижроия комитети томонидан маъқулланган тадбирлари район қишлоқ Советлари учун намуна бўлиб хизмат қилди. Шу асосда райондаги барча тўқиз қишлоқ Советининг депутатлари пахта йиғим-теримида янада фаол қатнашадилар.

Одатдагидек бу йил ҳам депутатларнинг ўз коллективларида шахсий активлигини оширишга эътибор бермоқдамиз. Партиямизнинг навбатдаги XXV съезди шарафига авж олиб кетган социалистик мусобақада депутатлар байроқдорлик қилишаётир. Улар оширилган мажбуриятлар олганлер.

Бўкалик бир группа илғор механизаторларнинг ватанпарварлик чақириғига қўшилган кўплаб депутатларимиз ҳосилнинг асосий қисмини машиналар ёрдамида йиғиштириб олишнинг янги резерв ва имкониятларини излаётирлар. Киров номли ўқув хўжалигининг механизатори Т. Романов, «Ленин йўли» колхозининг бригада бошлиғи Шарофат Худойбердиева, Куйбишев номли колхознинг звено бошлиғи Марс Хусаинов, Энгельс номли колхознинг бригада бошлиғи Кан О Нам каби район Совети депутаталари, область Советининг депутатларидан А. Икромов номли колхознинг 1-бригада бошлиғи Хотам Шодиев, Ким Пен Хва номли колхознинг 3-участка бошлиғи Тешабой Тоштенов ва бошқалар пахтачиликни тўла механизация зиммасига юклаш ташаббускорларидир. Улар ҳосили машиналар билан йиғиштириб олинадиган майдонларни теримга тайёрлашга алоҳида диққат билан қарадилар. Эрта-индин ялпи машина терими бошланганда терим агрегатларининг бекор туриб қолмаслиги, иш унумли ва сифатли бўлиши учун тадбирий чоралар кўриб қўйилди.

Пахта йиғим-терими фақат қишлоқ меҳнаткашларининггина асосий юмуши бўлиб қолмайди. Район ижроия комитетига қарашли икки шаҳар, икки посёлка Советлари, 13 бўлим ва бошқарма, район Советининг барча доимий комиссиялари терим мавсумида қилинажак ишларнинг пухта режасини тузиб олдилар.

Дала меҳнаткашларининг самарали меҳнат қилишларини таъминлаш мақсадида савдо ва умумий овқатланиш бўйича доимий комиссиялар ҳамма дала шийпонларида энг зарур буюмлар билан савдо қилинадиган сотувчисиз магазин ташкил қилмоқда. Пахтани ортиш, ташиш ва тушириш билан банд бўлган ходимлар учун барча пахта пунктларида иссиқ овқат бўлиши таъминланмоқда.

Соғлиқни сақлаш ва социал таъминот бўйича доимий комиссия аъзолари дала шийпонларида аптечкалар, биринчи медицина ёрдами кўрсатишда керак бўладиган воситалар, дори-дармонлар бўлишини назорат қилиб бормоқдалар. Социалистик қонунчилик бўйича доимий комиссия пахтакорлар ўртасида иш ҳақи тўғрисидаги қоидаларни, партия ва ҳукуматнинг пландан ташқари топширилган биринчи, иккинчи ва учинчи сорт пахта учун устама ҳақ тўлаш тўғрисидаги қарорларни, меҳнат интизоми, пахта исрофгарчилигига қарши тадбирларнинг бажарилиши устидан контроллик қиладилар. Қишлоқ Советлари ижроия комитетлари, барча депутатлар меҳнатга лаёқатли ҳамма кишиларни пахта йиғим-теримига сафарбар этиш юзасидан кенг тушунтириш олиб бормоқдалар.

Бу йилги аҳдимиз улкан. Ўтган йилдагига нисбатан 6423 тонна кўп «оқ олтин» етказиш учун курашмоқдамиз. Район Совети, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советларининг бутун фаолияти беш йиллик план ва бу йилги социалистик мажбуриятларни муддатидан олдин бажаришга қаратилади. Маҳаллий Советлар депутатлари учун долзарб, масъулиятли бўлган терим мавсуми қизғин паллага кирди.

Уйлаймизки, депутатларимиз район, область ва республиканинг улкан хирмонига ўзларининг муносиб улушларини қўшадилар.

Янгийўл районидаги «Коммунизм» колхозининг чорвадорлари фидокорона меҳнат қилишиб янгидан-янги ютуқларни қўлга киритмоқдалар. Бу ердаги ҳар бир колхозчи моллар боқувини яхшилаб, маҳсулдорлигини оширишмоқда. Ҳафиза Лутфиева ҳам ана шундай жонкуяр қизлардан бири дир. У ўрта мактабни муваффақият билан тамомлагач ферма га ишга келди. Бир неча ҳафта устозлардан иш ўрганди. Кейин унга 20 дан ортиқ бузоқни бириктиб қўйишди. Шундан бери тўрт йил вақт ўтди. Касбини пухта ўрганиб олди. Ҳар бир бузоқни соғлом ва тез катта бўлиши учун нима зарур бўлса, шуни қилди. Ҳозир у 30 бузоқни боқяпти. Бир кеча-кундузда 758 граммгача семирмоқда.

Суратда: комсомол аъзоси Х. Лутфиева бузоқларни боқмоқда.

Қ. Розиқов фотоси.

ДЎСТЛИК АЛОҚАЛАРИ КУЧАЙМОҚДА

Яқинда Тошкентда Совет—Руминия дўстлиги жамияти шаҳар бўлими правлениесининг ҳисобот-сайлов конференцияси бўлди. Конференцияни чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқа қилувчи Узбекистон жамияти правлениесининг раиси И. Х. Тўхтахўжаева очди.

Конференцияда ҳисобот доклади қилган Совет—Румин дўстлик жамияти Тошкент шаҳар бўлими правлениесининг раиси А. Муҳамедов ва музокарада сўзга чиққан ўртоқлар жамиятнинг Тошкент бўлими совет ва румин халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари ҳамда кўп томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш соҳасида қилаётган ишларни гапирдилар. Бўлим фаолиятида совет ва румин халқлари ўртасидаги бузилмас дўстлик ҳамда ҳар томонлама ҳамкорлик ғояларини кенг пропаганда қилишга қаратилган оммавий-сиёсий тадбирларни амалга ошириш муҳим ўрин тутади.

Конференция иштирокчилари Узбекистон билан Социалистик Руминия ўртасидаги ҳамкорликнинг тез суръатлар билан ривожланиб бораётганлигини кўрсатувчи бир қатор фактларни келтирдилар. Қардош мамлакатда Узбекистон ССРнинг машинасозлик, электротехника ва химия саноати маҳсулотларига эҳтиёж катта. Узбекистоннинг Руминияга экспорти ичида пахта толаси алоҳида ўрин тутади. Социалистик Руминияга етказиб берилаётган бу қимматли хом ашёнинг учдан иккисини бизнинг республика жўнатмоқда. Уз навбатида Руминия Узбекистонга кўплаб нефть қазиш ва химия жиҳозлари, мебеллар, тикувчилик ва трикотаж буюмлари, пойафзаллар, чарм-галантерея буюмларини кўплаб юбормоқда.

Руминия Социалистик Республикаси меҳнаткашлари Узбекистоннинг муваффақиятлари билан яқиндан таништирдилар. Бир неча йил муқаддам Бухарестда совет савдо саноат выставкасида Узбекистон ССР алоҳида бўлимда ўз экспонатларини намойиш қилган эди. Бу выставкани 500 мингдан ортиқ киши келиб кўрди.

Узбекистон билан Руминия Социалистик Республикаси олимлари ўртасида самарали ҳамкорлик мустаҳкамланиб бормоқда. Румин китобхонлари ўзбек халқининг севимли шоири Алишер Навоий асарларини, Шароф Рашидовнинг «Бўрондан кучли», Абдулла Қаҳҳорнинг «Синчалак» романларини, Зулфия шеърларини ўз она тилида ўқимоқдалар. Бизнинг китоб магазинларимиз жавонларида эса И. Караджале, К. Теодор, Л. Ребряну, З. Хараламб асарларини учратиш мумкин.

Узбекистон пойтахти меҳнаткашларини румин халқининг социалистик қурилишдаги муваффақиятлари билан таништиришда совет-румин дўстлиги жамияти шаҳар бўлимига бирлашган коллектив аъзолар самарали ишлашмоқда. Ҳозирги пайтда бўлим пойтахт корхоналари, олий ўқув юртлари, илмий тадқиқот институтлари, мадзний-оқартув муассасалари, мактаблардан иборат 16 та коллектив аъзони ўзига бирлаштирган. Пойтахт жамоатчилиги румин халқи тарихидаги шонли ва унутилмас саналарни кенг нишонлайди. Ана шу саналарга бағишлаб румин фильмлари фестивали ўтказилади. Бу фестиваль фильмлари Санъат саройи экранида намойиш қилинади. «Билим» жамиятида эса фотокўргазмалар уюштирилади. Шунингдек, бўлимнинг коллектив аъзоси ҳисобланган Тошкент областъ партия комитети ва область ижроия комитети томонидан «Руминия» журнали редакцияси ташкил этган конкурсда ғолиб чиққан эди. Ўртоқ Г. Бекматов мамлакат бўйлаб қилган сафари тўғрисида ўз таассуротлари билан ўртоқлашди.

Совет—румин дўстлиги жамияти Тошкент бўлими республикамиз муваффақиятларини пропаганда қилиш борасида ҳам бир қатор тадбирлар ни амалга оширяпти. Ана шу мақсадда Узбекистон дўстлик жамиятида ташкил этилаётган адабиётлардан кенг фойдаланилмоқда. Ҳар йили Руминиядаги мухбирларга информацион бюллетень, фото альбомлар, брошюралар ва открыткалар жўнатилиб турибди.

Конференция иштирокчилари Узбекистон ва Руминия Социалистик Республикаси халқлари ўртасидаги қардошларча дўстлик ва ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш учун бўлим фаолиятини активлаштиришга қаратилган масалаларни ўртага ташладилар.

Совет—Румин дўстлик жамияти Тошкент шаҳар бўлими правлениесининг янги состави сайланди.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

Я. КАДАР СОВЕТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

БУДАПЕШТ, 25 сентябрь. (ТАСС). Венгрия Социалистик ишчи партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Я. Кадар КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Белоруссия Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари П. М. Машеров бошчилигида расмий дўстона визит билан бу ерга келган СССР Олий Совети делегациясини қабул қилди.

Самимий, дўстона вазиятда ўтган суҳбатда ВСИП Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Венгрия Халқ Республикаси давлат маслисининг раиси А. Апро, ВСИП Марказий Комитетининг секретари А. Денеш, шунингдек СССРнинг ВХРдаги элчиси В. Я. Павлов қатнашдилар.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

ПАРИЖ. «Юманите» газетаси бугун бундай деб ёзди: «Испан ватанпарварларининг ҳаётини қутқазиб қолмоқ учун бир дақиқа ҳам вақтни бой бермаслик керак. Мадрид ва Барселона ҳарбий губернаторлари бу ватанпарварлардан олти кишига чиқарилган ўлим ҳукмини ҳозирдаёқ тасдиқлашди». Газета француз меҳнаткашларига, ҳолис ниятли барча кишиларга мурожаат қилиб, уларни испан антифашистлар билан бирдамлик ҳаракатларини мустаҳкамлашга, намойишлар ўтказишга ва Испаниядаги репрессияларга қарши норозилик билдиришга, ўлим ҳукми бекор этилишини талаб қилиб, испан маъмурларига хат ва телеграммалар юборишга чақиради.

НЬЮ-ЙОРК. Америкаиинг таниқли юристи, юстиция министрининг ёрдамчиси Ричард Торнберг Пенсильвания штатидаги Питтсбург шаҳрида нутқ сўзлаб, АҚШда ўқ отиш қуролини сотиш ва тарқатиш устидан тезроқ назорат ўрнатишга даъват этди.

* * *

Яқинда Невада штатидаги Феллон шаҳрида АҚШ ҳарбий ҳаво кучларининг «Ф-4» реактив қирувчи самолёти ерга қулаб тушди. Самолёт машқ парвози қилаётган эди.

ДЕҲЛИ. Тамилнаду штатидаги Ченгал давлат уруғчилик фермаси Ҳиндистонда катта шуҳрат қозонди. Мамлакатдаги энг яхши фермалардан бири ҳисобланган бу ерга яқин ва узоқ қишлоқлардан, қўшни район ва штатлардан хўжаликни юргизишни ўрганмоқ учун деҳқонлар келиб туришдилар.

СССРнинг кўмаги билан 1972 йилда ташкил қилинган ва Совет Иттифоқи қишлоқ техникаси билан таъминланган бу ферма доимо мўл ҳосил етиштириб, давлатга даромад келтирмоқда.

БАҒДОД. 1976—1980 йилларга мўлжалланган янги беш йиллик планга асосан Ироқда алоқани ривожлантириш учун 150 миллион динар капитал маблағ сарфланади.

ТРИПОЛИ. Ливия пойтахти яқинидаги Жанзур қишлоғида миллий саноатнинг энг йирик корхоналаридан бири бўлган тўқимачилик комбинати ишга тушди.

Корхонани тантанали равишда ишга тушириш 1969 йилдаги Ливия революциясининг олти йиллиги байрамига бағишланади. Бу корхона ҳар йили 20 миллион метрдан кўпроқ ҳар хил газлама ишлаб чиқаради.

БИСАУ. Гвинея-Бисау республикасининг халқи республика эълон қилинганлигининг иккинчи йиллигини тантанали суратда нишонлади. Оммавий митингда давлат кенгашининг раиси Луис Кабрал нутқ сўзлади. Ўтган икки йил, деб таъкидлади у, курашни тугаллаш, мустақилликка эришиш ва миллий қурилиш йўлидаги ривожланиш йиллари бўлди. Л. Кабрал мамлакат олдида миллий экономикани ва аввало унинг асосий тармоғи бўлган қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида катта вазифалар турганлигини кўрсатиб ўтди.

(ТАСС, 25 сентябрь).

БЕЛЬГИЯДА СОВЕТ МАДАНИЯТИ КУНЛАРИ

БРЮССЕЛЬ, 26 сентябрь. (ТАСС). Бельгияда Совет маданияти кунлари бошланди. Совет Иттифоқидан бу ерга Ўзбекистон ССР маданият министри Ғ. Нажимов бошчилигида делегация келди.

Минг-минглаб бельгияликлар пойтахтнинг марказий залларидан бирини томоша қилдилар. Бу ерда Совет Ўзбекистони муваффақиятлари виставкаси очилди. Бугун Брюсселда Ўзбекистон «Лазги» ансамблининг концертлари бошланади.

Бу йил совет маданияти кунлари Бельгия билан Совет Иттифоқи ўртасида дипломатия ва савдо муносабатлари ўрнатилганлигининг 40 йиллиги белгиси остида ўтмоқда.

ЯНГИ ЭНЕРГИЯ МАНБАЛАРИНИ ИЗЛАШ

ВАШИНГТОН, 25 сентябрь. (ТАСС). Капиталистик мамлакатларда энергетика ресурсларининг ғоятда тахчиллиги, нефть ва табиий газ нархи мутгасил ошиб бораётганлиги, яна ёқилғи кризисининг вужудга келиш хавф-хатари янги энергия манбаларини астойдил излашга мажбур қилмоқда. АҚШда, жумладан, қуёш энергиясидан фойдаланиш ғояси зўр қизиқиш уйғотмоқда. АҚШ да қуёш нури воситасида иситиш системалари ишлаб чиқувчи етакчи компаниялардан бири — «Уилсон солар кинетикс корпорейшн»нинг президенти Ж. Полмэн ерга атиги 22 кун мобайнида тушадиган қуёш иссиқлигининг энергияси маълум ҳамма қазилма ёқилғи турларининг жаҳондаги запасларн энергиясига баравардир, деди.

Ҳозир АҚШ да 170 хил «қуёш установкалари» ишлаб турибди ёки синовдан ўтяпти. Бу системалар алоҳида биноларни иситишда қўлланадиган чоғроқ қурилмалардан каттакатта уй-жойларни иссиқ сув билан таъминловчи установкаларгача ғоятда хилма-хилдир.

ПАБЛО НЕРУДА ХОТИРАСИ

БУЭНОС-АЙРЕС, 25 сентябрь (ТАСС). Латин Америкаси мамлакатларининг тараққийпарвар жамоатчилиги чилилик ажойиб коммунист шоир Пабло Неруда хотирасини эсга олмоқда. Пабло Неруда 1973 йил 23 сентябрда фашистларнинг исёнидан сал кейинроқ вафот этди. Бу исён натижасида халқ бирлиги қонуний ҳукумати ағдарилган эди.

Ўз халқининг озодлиги учун фашизмга қарши курашга бутун куч-ғайратини бағишлаган кишига бўлган қаҳр-газаби натижасида ҳунта Пабло Неруданинг номи билан боғлиқ бўлган нарсаларнинг ҳаммасини йўқ қилмоқчи бўлди; унинг асарлари таъқиқланди, Пабло Неруда яшаган уй таланди ва мусодара қилинди.

Лекин Неруданинг хотираси яшайверади: шоир дафн этилган Сантьягодаги шаҳар қабристонида камтарона қабрдан ҳамиша яшнаб турган гуллар узилмайди. Бугун шоир вафотининг икки йиллиги муносабати билан бу ерда гуллар айниқса кўп. Пабло Нерудаиинг қариндош-уруғлари ҳанузгача шоирнинг ҳокини у узоқ йиллар мобайнида яшаган ва ишлаган Исла-Негра деган жойга дафн этиш учун ҳунтадан рухсат олишга муваффақ бўлолмаётирлар.

ФИНЛЯНДИЯ пойтахти Хельсинки мамлакатнинг асосий порт шаҳри ҳисобланади. Бу ерга йил давомида чет эллардан 4 мингга яқин кема келиб кетади.
Суратда: денгиз портида балиқ бозори.
ТАСС фотохроникаси.

ГЕКТАРИДАН 250 ЦЕНТНЕРДАН

Космонавт Волков номли совхознинг Холхўжа Айдаров бошлиқ звеноси аъзолари ўтган йили гектаридан 238 центнердан каноп толаси олган эдилар. Бу йил улар 40 гектар ерда каноп етиштириб, уни юқори агротехника қоидалари асосида парвариш қилдилар. Ўрим-йиғим ҳам қисқа муддатда ўтказилди. Бу қимматбаҳо экинни ўриб-йиғиб олишда механизатор йигитлар билан бир қаторда Дилбар Исмоилова, Фарида Айдарова ,Руқия Тўхтаева каби комсомол қизлар ҳам самарали ишладилар.

Каноп ўриб-йиғиб олинди. 40 гектар ернинг ҳар гектаридан 250 центнердан кўк тола луб заводига жўнатилди.

А. НОДИРОВ,
Қуйи Чирчиқ райони.

ЭЛ САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Тошкент область дорихоналари товар-обороти беш йиллик планини муддатидан илгари бажарди. Шу пайтгача областимизнинг дорихона муассасалари планга қўшимча 248 минг сўмлик дори-дармонларни реализация қилди. Фармацевтлар эндиликда партиямизнинг бўлажак XXV съездини муносиб кутиб олиш ҳаракатидалар.

Тошкент дорихоналар бошқармасининг ходимлари тўқизинчи беш йиллик давлат планини муддатидан илгари бажариш учун социалистик мусобақани авж олдириб, аҳолини ва медицина муассасаларини дори-дармон билан тўла таъмин этиш, хизмат кўрсатиш маданияти ва савиясини янада яхшилашга алоҳида эътибор бердилар.

Кейинги йилларда дорихоналарнинг моддий-техника базаси сезиларли даражада яхшиланди. Тўққизинчи беш йиллик давомида дорихона жиҳозлари, мебель ва автотранспорт сотиб олишга 354 минг сўм сарф қилинди.

Даволаш-профилактика муассасаларининг дори-дармонга бўлган эҳтиёжини аниқлаш бўйича олиб бориладиган ишлар ҳам янада яхшиланди. Бу муваффақиятларга кенг авж олган социалистик мусобақа ва меҳнатга коммунистик муносабатда бўлиш учун олиб борилаётган ишлар туфайли эришилди. Ҳозир коммунистик меҳнат ҳаракатида тўққиз коллектив карвонбошилик қилмоқда. Уларга «Коммунистик меҳнат коллективи» деган юксак унвон берилган.

Тошкент область фармацевтлари қишлоқ аҳолисини пахта терими ишлари авжига чиққан даврда дори-дармон билан намунали таъминлашга катта эътибор бермоқдалар. Далада ишлар айни қизиган кунларда барча дала шийпонлари ва механизаторлар аптечкалар ҳамда санитария ва гигиенанинг бошқа муҳим предметлари билан тўла таъминланмоқда. Ҳар йили баҳорги-кузги дала ишлари даврида қишлоқ меҳнаткашларини дори-дармонлар билан таъминлаш учун 15 та махсус машина ажратилади.

Областимизнинг дорихоналари Бутуниттифоқ социалистик мусобақасида ҳам пешқадамлик қилмоқдалар. 1973 йилнинг учинчи кварталидан бери пойтахт область дорихоналар бошқармаси икки марта СССР Соғлиқни сақлаш министрлиги ва медицина ходимлари касаба союзлари Марказий Комитетининг фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. 1974 йилда ҳам Соғлиқни сақлаш министрлигининг буйруғига кўра фармацевтларимизнинг яхши ишлаганлиги алоҳида қайд этилган эди. Бу йил биринчи кварталда эса дорихоналар бошқармаси коллективи социалистик мусобақада иккинчи совриили ўринни олиб, 3900 сўм миқдоридаги пул мукофоти билан тақдирланди, — дейди область дорихоналар бошқармаси бошлиғи Х. Давлатов.

Бошқарма бир неча йиллардан бери республика дорихона ходимлари коллективлари ўртасида пешқадамлик қилиб, Ўзбекистон ССР медицина ходимлари касаба союзи республика комитети ва Ўзбекистон соғлиқни сақлаш министрлиги дорихоналар бош бошқармасининг кўчма Қизил байроғини қўлдан бермай келмоқда. Кўпгина фармацевтлар «Социалистик мусобақа ғолиби», «Тўқизинчи беш йиллик зарбдори» деган кўкрак нишони, олтита коллектив эса «Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартиясининг 50 йиллиги шарафига социалистик мусобақада ғолиб чиққан» деган гувоҳнома билан тақдирлангандирлар.

Тошкент область дорихона ходимлари КПСС XXV съезди шарафига оширилган социалистик мажбуриятлар қабул қилиб, бундан кейин ҳам аҳолини ҳамда даволаш-профилактика муассасаларини дори-дармон билан намунали таъминлаш учун бор куч ва имкониятларини ишга солмоқдалар.

А. АБДУЛЛАЕВ.

Янги шеърлар

ҒАЙРАТ ҚИЛ, ПАХТАКОРИМ!

Оқ денгиздай далалар хўп ўзгача бўлибдур,
Ҳар бир чаноқ олтинга — хазинага тўлибдур,
Меҳрлар энёсидан қуёш кабн кулибдур,
Уни кўрган чин инсон куйлашда андалибдур,
Ғайрат қил, пахтакорим, шу ҳосилни чаққон тер,
Ваъдаларни дўндириб, кўкрагингни шодон кер!
Эрта баҳор кунлари не-не азият чекдинг,
Меҳнатингни аямай ниҳолларга кўз тикдинг,
Чигит эмас тупроққа гўёки жонни экдинг,
Гўзанг жамолин кўриб севинчлардан энтикдинг,
Эндиликда жўмард бўл, ҳосилингни илдам тер,
Аҳир зое кетмасин пешонангдан оққан тер,
Ўзингдан гап қолмайди, пахтакор номи улуғ,
Ҳар йилгидек бу йил ҳам мавсумнинг бўлсин кутлуғ.
Ғаннимат бил фурсатни «пўлат от»лар эгаллиғ,
Жўякларда очилган кўзалар сенга мутиғ
Машинанг гувиллатиб, дурдонангни роса тер,
Кўрганлар қойил қолиб, десун балли, полвон, шер!
Дев қомат йигит-қизлар ўйнаб бас-тортишмачоқ,
Майдон узра «жанг» қилар, кўтариб алвон байроқ,
Олда тотли орзулар чорлайди мисли маёқ,
Қандингни ур шоввозлар, бўлишиб дўсту-ўртоқ,
Улаб кунни кечага тўхтамай пахтангни тер.
Айтилган қирқу-эллик центнер гектардан бер.
Ният шу: знёд бўлсин мажбурият, планларинг,
Тасанно айтсин десанг қон-қардош ёронларинг,
Тўйга майл билдирсун десанг гар жононларинг,
Кўкка бўй чўздир тоғдай кутли, улкан хирмонларинг.
Уша кунга етиш учун, пахтакорим, пахта тер,
Бағрига босиб шунда раҳмат десун Она-ер!
Оқ денгиздай далалар хўп ўзгача бўлибдур,
Ҳар бир чаноқ олтинга — хазинага тўлибдур.
Меҳрлар энёсидан қуёш кабн кулибдур,
Уни кўрган чин инсон куйлашда андалибдур.
Ғайрат қил, пахтакорим, ҳосилингни чаққон тер.
Тезда ваъданг дўндириб, кўкрагингни шодон кер!..

Раҳим УМАРИЙ.

ҚЎШИҚ ТЎҚИЙМАН

Ўлкада қут кезар, кезар баракат,
«Оқ олтин» тимсоли саодат кезар.
Тўю наво кезар, кезар муҳаббат,
«Оқ зар» рағбатию садоқат кезар.

Кезар шаън пойгаси, меҳнат наъраси, —
Пахтазорда терим жангларн шиддат.
Оқ шуъла-ла ёнар юртнинг чеҳраси,
Бонг урмиш ғалаба чорлаган соат.

Зафар бонгига жўр куйлаётирман,
Туганмас ҳосиллар мадҳини ўқиб.
«Оқ олтин» тоғларин бўйлаётирман,
Пахтакорим сенга қўшиқлар тўқиб.

Пахтангиз нафидан барча миннатдор,
То етти иқлимга етмиш баҳрингиз.
Азалдан касбию одати заркор,
Бунчалар юраги ҳам кўйинн кенгсиз.

Пахтангиз шуъласи бағишлар шодлик,
Олам фароғатин улғайтар бешак.
Пахтангиздан бу кут, кўҳлик, ободлик,
Омонлик боғида яшнаган чечак.

Баракалла Сизга, ҳорманг бир умр,
Офтобдай мунаввар босган йўлингиз.
«Оқ олтин» нурндир бу мавжланган нур,
Унинг ижодкори ақлу кўлингиз.

Ёқмоқда қалбимни, тинчитмас бир зум,
Яповдор меҳрингиз, муҳаббатингиз.
Сизни ардоқлагум, қалб гулин тутгум,
Саховатда мисли қуёшга тенг сиз.

Рўзи ҚОДИРИЙ

ҲАР ТЎҒРИДА

АВАРИЯГА ҚАРШИ

Америкалик икки инженер узоққа учадиган қушларни кузатиш мақсадида махсус радиолокация станциясидан фойдаланишга киришди. Унинг ёрдамида мутахассислар қушларнинг учиш тезлиги, йўналиши ва ҳоказоларни ўлчаб турадилар. Эндиликда шу йўл билан қушлар халқаланмасдан туриб ҳам уларнинг турли ўлкаларга мавсумий кўчиб ўтиши масалалари ўрганилади.

Ҳозирги вақтда АҚШ ҳарбий-ҳаво кучлари ҳар йили қуш тўдалари билан осмонда учрашиб қолиб, авариядга дучор бўлган самолётларни ремонт қилиш учун миллионлаб долларни сарфламоқда. Юқоридаги янги усул аэропортлар атрофида ана шундай нохуш учрашувларнинг олдини олишда ёрдам бериши мумкинлиги аниқланди.

ПОМИДОР ВА УЛЬТРА-ТОВУШ

Ультра товуш қўлланилаётган соҳалар тобора кўпайиб боряпти. Унинг ёрдамида деталлар ишланяпти, оғриқ тиш олиб ташланяпти ва ҳоказо. Инглиз фермери Чарли Роберте эса ультра-товуш билан помидорни ўстираяпти. У ҳар куни стереотелефон орқали помидорга таъсир этиш йўли билан ўстираётган помидорини жуда йирик бўлиб баъзиларининг вазни икки килограмм келади.

Реклама ва эълонлар

„ШАПИТО“ ЦИРКИДА

(Киров кўчаси, 11-уй)

3 ОКТЯБРДАН БОШЛАБ

МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ

ГАСТРОЛЛАРИ БОШЛАНАДИ

ЯНГИ ПРОГРАММА

ТОМОШАЛАР 17.30 ДА БОШЛАНАДИ.

Шанба кунлари 15.00 ва 17.30 да; якшанба кунлари 12.00, 15.00 ва 17.30 да томошалар кўрсатилади.

КАССАЛАР ЭРТАЛАБ СОАТ 9 ДАН ИШЛАНДИ.

Коллектив бўлиб келиш учун заявкалар қабул қилинмоқда.

ПУШКИН НОМЛИ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

27, 28 СЕНТЯБРЬ КЕЧ СОАТ 8 ДА

ҚОРИЁҚУБОВ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ ФИЛАРМОНИЯСИ БУТУНИТТИФОҚ «ОКТЯБРЬ 40 ЙИЛЛИГИ» ВА БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ЛАУРЕАТИ

«Шодлик» ашула ва рақс ансамблининг

КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР:

Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофоти лауреати ДИЛБАР ФАЁЗОВА

Солистлар: ОРТИҚ ОТАЖОНОВ, ДИЛОРОМ ҚАЮМОВА, НАЗИРА ШЕРАЛИЕВА, ХОТАМ ҲОЖИЕВ, ТУХТАСИН МАДАМИНОВ, РАҲИМЖОН ИСМОНЛОВ, МОҲИЧЕҲРА НУРМУҲАМЕДОВА, МУАЗЗАМ ШАРИПОВА, ҲАЙРИДДИН ФАЁЗОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ.

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист ҲАКИМ НИШОНОВ.

Билетлар сотилмоқда.

86-ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1975—76 ўқув йили учун қуйидаги мутахассисликлар бўйича

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Металл бўйича токарь. Ўқиш муддати 1 ва 2 йил. 14,5 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Слесарь-йиғувчи. Ўқиш муддати 1 йил. 14,5 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Электр пайвандчи. Ўқиш муддати 1 йил. 17 ёшлилар қабул қилинади.

Электр кўприкли кран машинисти. Ўқиш муддати 1 ва 2 йил. 16, 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Саноат ускуналарини ремонт қилиш бўйича слесарь. Ўқиш муддати 2 йил. 14,5 ёшлилар қабул қилинади.

Электр-газ пайвандчи (дипломли). Ўқиш муддати 2 йил. 16 ёшдан бошлаб қабул қилинади.

Слесарь-асбобсоз. Ўқиш муддати 2 йил. 14,5 ёшдан бошлаб қабул қилинади.

Қолипчи. Ўқиш муддати 1 йил. 17 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Электрик. Ўқиш муддати 2 йил. 16,5 ва ундан катта ёшдагилар қабул қилинади.

Билим юртига 8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган йигит ва қизлар қабул қилинади.

ЎҚУВЧИЛАР БЕПУЛ ЕТОҚХОНА, КУНИГА 3 МАҲАЛ ОВҚАТ, КИЙИМ-БОШ ВА СТИПЕНДИЯ БИЛАН ТАЪМИНЛАНАДИЛАР.

Ўқувчилар бидим юртидаги мактабда таълим оладилар. Ўқиш муддати узлуксиз иш стажига қўшилади.

Билим юртида 8 та тўгарак ва 11 та спорт секцияси ишлайди, шунингдек эстрада ва духовой ҳамда миллий ансамблар мавжуд. Езги дам олиш даврида «Чимён» районида жойлашган лагерда ҳордиқ чиқариш мумкин.

БИЛИМ ЮРТИНИ ТУГАТГАНЛАР ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ЎҚУВ ЮРТЛАРИГА КИРИШДА ИМТИЕЗЛАРДАН ФОЙДАЛАНАДИЛАР.

Аризалар эрталаб соат 9 дан 17.00 гача қабул қилинади.

Кирувчилар билим юрти директори номига ёзилган аризага қуйидаги ҳужжатларни қўшиб топширадилар: таржимаи ҳоли, паспорт ва тугилганлиги тўғрисида гувоҳнома, турар жойидан справка, ота-онасидан бирининг ишхонасидан справка, 3 х 4 см. катталикдаги 6 дона фотосурат, характеристика.

Мурожаат учун адрес: Тошкент—52, Содиқова кўчаси, 15-уй (21-автобус, 4—5-троллейбусларнинг «Экскаватор заводи» бекати).

Суратларда: республика халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган гуллар кўргазмасида. А. Абалян фотолари.

РЕПОРТАЖ

ГУЛЛАР ТАБАССУМИ

Бу ерга кириб қолган киши ўзини афсонавий гуллар ўлкасида юргандек ҳис қилади. Тувакларда чаманчаман очилиб ётган шойигулу, лолалар, саралаб дасталанган гулдасталар, турли хил манзарали ва декоратив ўсимликлар....

Ўзбекистон халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида очилган гуллар кўргазмасига келаётган томошабинларнинг кети узилмайди. Серқуёш республикамизнинг кўзга кўринган таниқли гулчилари, олимлар, селекционерлар уларга ўзлари яратган янги гул навларини намойиш қилмоқдалар.

Ўзбекистонда етиштирилаётган гулларнинг ўзига хос конкурсида гулчилик билан шуғулланувчи кўпгина муассасалар, илмий тадқиқот институтлари, гулчилик совхозлари, министрликларнинг мутахассислари ҳам иштирок этишмоқда. Кўргазма залларини айланар экансиз, бу ерда фақат Ўзбекистоннинг «туб» ўсимликларигина эмас, балки ўлкамизда иқлимлаштирилаётган, бошқа зона гулларидан ҳам ажойиб оранжировкалар тайёрланганлигини кўрасиз.

Шредер номли боғдорчилик, виночилик ва узумчилик илмий текшириш институти олимлари етиштирган гулларни кўздан кечирамиз. Илмий ходим А. Кияткин етиштирган мунчоқгул, карнайгул, «Алишер Навоий», «Октябрь юлдузи» сингари атиргуллар айниқса жозибали.

— Институтимизда 200 хилдан зиёд хушбўй гуллар парвариш қилинмоқда, — дейди А. Кияткин. — Биз республикамиз ва мамлакатимиздаги кўплаб маданият ва истироҳат боғларига гуллар етказиб берамиз. Кундан-кунга чирой очиб бораётган Тошкентимизнинг гуллар шаҳрига айланишида бизнинг ҳам муносиб ҳиссамиз борлигидан фахрланамиз.

СССР давлат мукофотига тақдим этилган Тошкентнинг Ленин номли проспектини бир айланинг-а! Бирбири билан ранг талашиб товланаётган гуллар, бош эгиб турган дарахтларни ана шу боғбонлар парвариш қилишган.

Кўкаламзорлаштириш ишларида Тошкент декоратив боғдорчилик совхози боғбонлари қўшаётган ҳиссани алоҳида таъкидлаш керак. Совхозда ҳозирги пайтда икки фан кандидати, ўн беш олий маълумотли агроном хизмат қилмоқда. 600 гектар майдонда турли хил мевали ва манзарали дарахтлар, янги навдаги гуллар етиштирилмоқда, селекция ишлари олиб борилмоқда. Беш гектар майдонни эгаллаган теплица қиш пайтлари шаҳар аҳолисини янги гуллар билан таъминлаб турипти.

— Совхозимиз ҳар йили 10 гектар ерни ўзлаштирмоқда, — дейди совхоз агрономи В. Печеницин. — Бу йил Калинин районидан 10 гектар ер олиб, катта гулхона барпо этаётирмиз. Тез орада янги гулларимиз билан ҳамшаҳарларимизни хушнуд қиламиз, деб ўйлайман.

Кўргазмада хоналарга қўйиладиган манзарали гулларга ҳам кенг ўрин берилган. Ўзбекистон ССР коммунал хўжалик министрлигининг тажрибали боғбонлари етиштирган турли хил атир гуллар, пиёзгуллар, бир йиллик гуллар айниқса чиройлидир.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг ўрмон хўжалиги давлат комитети эса асосан манзарали дарахтларни томошабинлар эътиборига ҳавола қилмоқда. Бу ерда қайин, чинор, дуб, ёнғоқ, қарағай дарахтлари турипти.

Республикамиз гулчилари ўз маҳсулотлари билан Иттифоқда ҳам шуҳрат қозонганлар. Тошкент гулларини Ленинград, Куйбишев, Новосибирск шаҳарларининг маданият боғларида учратиш мумкин. Қардошларимиз ҳам ўз навбатларида бизга янги навдаги гуллар, декоратив кўчатлар юборишмоқда.

... Экспонатлар олдида томошабинлар билан гулчилар суҳбати бошланади. Табиат ишқибозлари гладиолис, хризантема ва георгин гулларни қандай парвариш қилиш кераклиги тўғрисида гапириб берадилар. Кўргазмага келган томошабинлар таниқли гулчиларимизнинг, олимларимизнинг гулчилик ҳақидаги қимматли маслаҳатларини олиб қайтмоқдалар.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Нодонлик шундай бир зиндонки, нодон унга умрбод ҳукм этилгандир.

ФИРДАВСИЙ.

Дўст таъмагир бўлса, уни дўст эмас, душман, деб бил.

АБУ ШУКУР.

Қалбни яралаш қийин иш эмас, аммо қалбга йўл топиш анча мушкулдир.

Носир ХИСРОВ.

Ханжарнинг тилидан тилнинг ханжари ўткирроқдир.

ХИЛОЛИЙ.

Одам ичидаги асал ёки заҳар фақат тил орқалигина юзага чиқади.

ЖОМИЙ.

Яхшилик қилдек бўлса ҳам филдек ёмонликдан минг баробар афзалдир.

НИЗОМИЙ.

Тошдан ойна ясаш мумкин, ойнани тош билан синдириш ҳам мумкин.

ХОҚОНИЙ

Эшакнинг бошига олтин тож қўндирсанг ҳам узун қулоқлари унинг кимлигини билдирнб туради.

ШОХИН.

Ўйламай айтилган сўз пиликсиз лампага ўхшайди.

РУДАКИЙ.

Бепарволик ҳамма балоларнинг онасидир.

ЖОМИЙ.

Одам ўз табиатига тўғри келмайдиган нарсалардан ўзини сақлаши керак.

Абул ФАРАЖ.

Хасадгўйлик шундай бир оловки, у олов ёққаннинг ўзини куйдиради.

ЛУҚМОН.

Бўйин қанчалик узун бўлмасин, бош ундан ҳам юқорида туради.

АФРИКА мақоли.

РАССОМ ХАНДАСИ

Кўчалар номи расм-аскияси... А. Холиқов расмлари.

Спорт

ОММАВИЙЛИКДАН МАҲОРАТГА

ГТО Бутуниттифоқ физкультура комплекси кўкураши бўйича «Комсомольская правда» газетаси соврини учун бўлиб ўтган республика мусобақаларни ана шундай шиор остида ўтди. Кўкурашчиларнинг бу беллашувлари чиндан ҳам оммавий тус олди. Барча областлар, Қорақалпогистон АССР ва Тошкент шаҳрининг 300 дан зиёд спортчилари қолиблик учун баҳс юритдилар.

Областимиз терма командаси бу йирик мусобақада муваффақиятли қатнашди. ГТО комплексининг биринчи, иккинчи ва бешинчи босқичлари бўйича мусобақалардан сўнг вакилларимиз карвонбоши бўлиб олдилар. Улар Самарқанд ва Фарғона вакиллари билан бўлган асосий курашда 1259 очко тўпладилар.

Шахсий ҳисобда эса пойтахт области спортчиларидан Г. Хохлова ва В. Варзеловлар ҳаммадан кўп очко тўплаб фахрий шохсупа погонасига кўтарилишди.

Кўкурашчилар беллашувларнинг сўнгги кунида учинчи ва тўртинчи босқичда қатнашувчи спортчилар сузишда ўзаро куч синашдилар.

«ЯНГИЕР»НИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

«А» класси иккинчи лига командаларининг мамлакат чемпионатидаги матчларида Сирдарё областининг «Янгиер» командаси яхши қатнашмоқда. Сирдарёлик футболчилар қолган ўйинлар қандай тугашидан қатъий назар муддатидан илгари биринчи лига йўлланмаси учун бўладиган финал мусобақаларида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритдилар. Улар 30 ўйиндан 42 та очко тўпладилар.

Иккинчи йўлланма кимга тегиши эса ҳозирча номаълум. Чунки, иккинчи ва учинчи ўринда келаётган «Строитель» (Ашхобод) ҳамда «Хонқа» (Хоразм области) командалари 34 тадан очко тўплашган. Лекин, ашхободлик футболчиларда финалга чиқиш учун реал имкониятлар мавжуд. Улар қолган беш учрашувдан тўрттасини ўз майдонларида ўтказадилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 10.00— МОСКВА. 16.35 —ТОШКЕНТ. 16.40 — Мультфильм. 17.05 — «До-ре-ми-фа-соль». 17.45 — МОСКВА. **Хоккей:** МАСК — «Торпедо». 19.15 — ТОШКЕНТ. 19.45 — **«Ахборот».** 20.00 — **«Ерқин ҳаёт».** 21.00 — **«Ахборот».** 21.20 — Телефестиваль. **Экранда Сурхондарё области.** 22.00 — **«Вақт».** 22.30 — Концерт. 23.30 — Телефильм. **ИККИНЧИ ПРОГРАММА.** 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Мультфильм. 10.20 — **Экран ҳандаси.** 11.00 — «Ёшлик» студияси кўрсатади. 11.30 — Ўқув кўрсатуви. 13.00 — **Нўлдаги жанг** (бадиий фильмнинг 1-серияси). 14.35 — Фильм-концерт. 16.35 — Фильм-балет. 17.15 — Телефильм. 17.45 — Пионерча ишлар. 18.15 — Ёш иноҳавасқорлар клуби. 19.15 —Янгиликлар. 19.30 — **Мўъжизасиз мўъжизалар.** 20.30 — Телеминиатюралар. 22.00 — Ҳаракат хавфсизлиги учун. 22.30 — Катталар учун мультфильмлар. 23.00 —Концерт. **УЧИНЧИ ПРОГРАММА.** 17.45 — ДУШАНБА.

ТЕАТР

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 27|IX да **Абу Райҳон Беруний,** 28|IX да **Парвона.**

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 27|IX да **Ужарлар,** 28|IX да **Кўнгли ёш қариялар,** 29|IX да **Сув келтирган аёз.**

КИНО

ҚИШКИ БИНОДА

Бобби (2 серия) — САНЪАТ САРОЙИ, НАВОИЙ номли, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ҚОЗОҒИСТОН», «ВОСТОК», «МОСКВА», «ДРУЖБА», «НУКУС» (кундуз ва кечқуруи).

Кумуш нўл хазинаси — «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда).

Париж сирлари — «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқуруи).

ЕЗГИ БИНОДА

Янги центурионлар — «ФЕСТИВАЛЬ».

Апачлар — «ХИВА».

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА») Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, №26. ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача Эълонлар — 338142.

Р—14205. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64634. Б—3469.